DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7632301 Pages: 461-467



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION



3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ВОЯГА ЕТМАГАН КИЗЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мубинабону Рузиева
ИИВ Академиси,
221 гурух курсанти
e-mail: mr.abdulxamit.ru@

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, жиноятчилик, маънавият, хуқуқ, жамият, жиноят кодекси, таълим-тарбия, статистика.

Аннотация. Ушбу мақолада вояга етмаган кизлар орасида жиноятчиликни олдини олишда муаммо ва ечимлар хамда уларнинг статистика малумотлари хақида сўз юритилган.

PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE PREVENTION OF CRIME AMONG UNDERAGE GIRLS

Keywords: Minors, crime, spirituality, law, society, criminal code, education, statistics.

Annotation. This article discusses the problems and solutions to prevent crime among underage girls, as well as their statistics.

ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ В ПРОФИЛАКТИКЕ ПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ДЕВУШЕК

Ключевые слова: Несовершеннолетние, преступность, духовность, право, общество, УК, образование, статистика.

Аннотация. В этой статье рассматриваются проблемы и решения по предотвращению преступности среди несовершеннолетних девочек, а также их статистические данные.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий сиёсатида миллий ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзлаштириш орқали шахс билан жамият ўртасида уйғунликни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб

этади. Бу борада мамлакатимизда ёшлар, ўқувчи қобилиятлари, истеъдодлари, ички имкониятлари, ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларини тадқиқ этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ёш авлоднинг шахс ва субъект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражаси жамият томонидан белгиланган одоб-ахлоқ, хулқ нормаларига мос бўлиши уларнинг комил инсон бўлиб етишишларига замин яратади, узлуксиз таълим-тарбия тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Давлвтимизнинг ривожи учун янги иқтисодий–ижтимоий асослар, давлатчилик тараққиёти бўйича демократик қадриятларнинг белгиланиши билан, яъни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларга оид давлат сиёсатининг замонавий талабларини ўзида акс эттирган ривожланиш стратегияси, мақсад йўналишлари аниқлаб олинди, ёшларга оид қонунлар қабул қилинмоқда Узбекистон тараққиётининг барча даврларида ҳам ривожланишнинг моҳияти, унинг суръати инсонларнинг маънавий камолоти даражасига боғлиқ бўлган. Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш учун таълим-тарбиянинг барча соҳаларида, уларнинг омиллари ва воситаларини ишга солишни тақозо этмоқда.

Шунингдек юртимизда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш механизмларини яратиш ва уларни ҳаётда қўллаш, бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш муҳим ва зарурий бўлиб, унинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан буюк маънавиятимизни тиклаш, соғлом турмуш тарзини барча фуқароларга, энг аввало, ёшларга сингдириш давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш қилиб белгиланиши, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида тарбияланаётган ёшларда юксак маънавий маданият, ахлоқ ва маърифат фазилатларини шакллантириш ва сингдириш муаммоларининг ечимини давр тақозо этиши;

Мустакилигимизни энг муҳим вазифаларидан бири маънавий жиҳатдан баркамол, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом, Ватан сарҳадларини ҳимоя

қилиш учун жисмонан чиниққан, фидойи инсонни тарбиялаш, таълим тизимини такомиллаштириш, миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишга ижтимоий зарурат туғилиши;

- Халкимиз тинчлиги йолида олиб борилган, давом этаётган ишлар, халқ таълимининг тубдан ислоҳ қилинаётгани жамиятимизда ҳар томонлама баркамол, соғлом авлод тарбиясига кенг эътибор қаратилиши тенденциясининг кучайиши;

- Хозирги кунда универсал технологиялар билан боғлиқ глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга зарурат туғилиши;

- Конунчилик томонидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ҳамда унинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқлиги, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаши, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқариши;

- Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва улар билан ишлашда профилактик механизмларини яратиш заруратининг ошиши;

- Укув талим тарбия педагогик жараёнда вояга етмаганлар фаолиятини бошқариш, уларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш тенденциясининг кучайиши.

Бугунги кунда буларнинг барчаси ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бири бўлмиш – бола ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳар томонлама таъминланиши ва ҳимояланишини қонунлар асосида бажарилишини таъминлаш билан уйғун ҳолатда олиб борилишига замин яратади.

Юртимиз жабхасида качонки “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустахкам бўлади” , - деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоя жамиятда чуқурроқ англаб етилишига ва қарор топишига мамлакатимизда замин яратилган бўлишига қарамасдан, афсуски, жамиятимизда тарбияси оғир ўсмирлар ва ўспиринлар билан боғлиқ

муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммолар ёшларнинг ўқиш жараёнида ва хулқида намоён бўлади.

Шунингдек тарбияси оғир “болалар - жамият томонидан ўрнатилган нормаларга зид равишда хатти-ҳаракат қилишади. Улар беқарор ахлоқли, иродаси бўш, педагогик таъсирга доим қаршилик кўрсатиб келувчи ёшлардир. Мактаб миқёсида улар кўп учрамайди (бир синфда бир ёки иккитадан, айримларида умуман йўқ). Аммо улар синф, мактаб ҳаётига, унинг ахлоқий муҳитига жиддий таъсир кўрсатади. Тарбияси оғир болалар ўқувчиларнинг кам қисмини ташкил этса ҳам, улар ўқув – тарбиявий ишларда барқарорликка жиддий тўсиқ бўладилар. Улар мактабда ва ундан ташқарида (оилада, кўчада, дам олиш жойларида ва бошқа) тартибсизликни вужудга келтирувчи-лар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарбиясиоғир болалар мактабда ҳам, ундан ташқарида ҳам педагогик жамоа ва кенг жамоатчилик эътиборида туради. Шу сабабли бугунги кунда тарбияси оғир вояга етмаганлар билан ишлашни жонлантириш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларига эътиборни кучайтириш, педагогик ва психологик коррекция методларига мурожаат этишни талаб этади.

Асосий қисм. Бугунги кунда вояга йетмаган кизлар орасида куйдаги жиноятлар курсаткичлари ошиб бормокда.

Жиноят кодексининг II боби “Соғлиққа қарши жиноятлар” деб номланган. Моддаларни тахлил қиламиз. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021

105-модда. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн

фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш —

уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) ўта шафқатсизлик билан;

д) оммавий тартибсизликлар жараёнида;

е) тамагирлик ниятида;

ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;

з) диний таассублар замирида;

и) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

к) такроран, хавфли рецидивис томонидан

мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг *V боб. Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар* деб номланган.

122-модда. ***Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш.***

Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо

қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

Вояга етмаганларнинг шахс ва субъект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражасининг ўсиши, жамият томонидан белгиланган одоб-ахлоқ, хулқ нормаларига мослиги уларнинг келажакда жамиятнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида фаолият юритишига замин яратади. Тарбияси оғир ўсмирлар билан коррекция жараёнида ёшларнинг маънавий-маърифий соҳаларда олдиндан йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этишга имкон туғилади.

Хулоса. Ҳар бир девиант хулқ-атворли бола ўзига хос хулқий бузилишлар тизимига эга бўлиб, уларга боланинг дарс қолдириши, ўз тенгдошларига жисмоний тазйиқ ўтказиши, атрофидагилар билан қўпол муносабатда бўлиши, одамларга душманлик қилиши, ўз мажбуриятларига бефарқ қараши, педагогик талабларга агрессив тарзда қарши туриши, ота-онаси ва ўқитувчисига ишонмаслиги, ўзига юқори баҳо бериб, манманлик қилиши кабилар киради.

Халкимизда оила – болани тарбиялашнинг асосий дорилфунуни ҳисобланади.

Болалар хулқ намуналарини ўз ота-оналаридан ўрганадилар, чунки айнан ота-оналар хулқ-атворни баҳолаш меъёрларини аниқлаб берадилар. Болалар кўпинча ота-оналарига тақлид қиладилар, улар каби хаттиҳаракатларни бажарадилар, уларнинг ролини ижро этадилар, шу сабабли боладаги хулқий бузилишлар коррекция қилинар ва зарур маслаҳатлар берилар экан, буни нафақат болалар билан, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам амалга оширишга тўғри келади.

Адабиётлар

[1]. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни (2010й.)

[2]. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни (2014й.)

[3]. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. – Тошкент: «Адолат», 2021й

[4]. Абдурасулова Қ., Акназаров Ш. Оилада вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш масалалари. “Болаликдан улғайиш сари: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий иш, ижтимоий интеграция” халқаро форумининг материаллари. –Т.: 2009 йил –Б. 34.